

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ ВА ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Давронов Фаррухбек Султонбекович
Андижон вилояти ИИБ Миграция ва
фуқаролик расийлаштириш бошқармаси бошлиғи
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17355595>

Маълумки, дунё ҳамжамиятида барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва оммалаштириш билан боғлиқ бўлган жараёнлар жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Мазкур тенденция билан уйғун олиб бориладиган рақамлаштириш жараёнлари давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятлари, иқтисодий ва ижтимоий соҳа, илм-фан ва таълим йўналишларида ўз ифодасини топмоқда. Соҳа олимларидан Н.Иминованинг таъкидлашича, мазкур жараёнлар инсониятга ўз салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради, барқарор иқтисодий ўсиш, фаровонлик даражасини ошириш, демократия, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадларига эришишга катта ёрдам беради¹.

Бугунги кунда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тизимини электрон ҳукумат, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамлаштириш каби илғор самарали тизимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мазкур жараёнлар республикаимизда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни² қабул қилиниши муносабати билан ривожлана бошлаган. Мазкур қонунга мувофиқ, электрон ҳукумат давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизимидир. Электрон ҳукумат давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш, ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш каби муҳим вазифаларни самарали ҳал қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Бундай тизимнинг йўлга қўйилиши, хусусан республикаимизда туризмнинг равнақ топиши, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши ва чиқишига оид муносабатларни изчил тартибга солиш, инвестиция муҳитини яхшилаш каби долзарб масалаларда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Республикаимизда ахборот-коммуникация технологияни ривожлантириш, рақамлаштириш тизимини янада такомиллаштириш 2017 йилдан янги босқичга

¹ Иминова Н. Ўзбекистонда рақамлаштириш жараёнларининг ривожланиши / “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil. B.175.

² Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда.

кўтарила бошланди. Бунда **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев** томонидан эълон қилинган **2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”³** муҳим аҳамият касб этди. Мазкур фармонда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга янада қулай ташкилий, технологик ва иқтисодий шароитлар яратиш мақсадида Инновация марказини ташкил этиш вазифалари белгиланган.

Мазкур Фармон билан Ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва самарадорлигини комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш баробарида уларнинг фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш талаби ҳам қўйилди.

Ички ишлар органлари фаолиятида рақамлаштириш, соҳага ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 10 апрелда** қабул қилинган *“Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги **ПФ-5005 Фармони**⁴ ҳам муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Фармонда ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш вазифаси белгиланган. Фармонда Ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари фаолиятини ташкил этишнинг самарали механизмларини: кадрларни жой-жойига қўйишни оқилона ташкил этиш, амалда бажариладиган иш ҳажминини ҳисобга олган ҳолда асосий вазифа ва функцияларни ходимлар орасида аниқ тақсимлаш ва чегаралаш; миграция ва фуқароликни расмийлаштириш жараёнларининг таъсирчан мониторингини амалга ошириш, ноқонуний миграция ва у билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашиш; фуқароларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш имконини берувчи ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш билан такомиллаштириш қайд этилган.

Ахборот-коммуникация технологияни ривожлантириш, рақамлаштириш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш 2017 йилдан кейин ҳам изчил давом эттирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-4996-сонли қарори**⁵ республикамізда **сунъий интеллект тармоғини янада ривожлантириш**, унинг**

³ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.**

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги пф-5005 Фармони. 2022 йил 10 апрель. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996-сонли қарори / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 07/21/4996/0127-сон.

имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш масалаларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Қарор **“Рақамли Ўзбекистон – 2030”** стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 22 сентябрь куни тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича ўтган видеоселектор йиғилишида *«...тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари рақамлаштиришсиз натижа, ривожланиш бўлмаслигини тушуниб етиши шарт. Барча даражадаги раҳбарлар бунга ўзига кундалик вазифа сифатида белгилаб, рақамлаштириш соҳасини алифбосидан бошлаб чуқур ўрганиши керак»*, - дея алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Республикаимизда рақамлаштириш соҳасида изчил давом эттириляётган бундай ижобий тенденциялар кейинги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топиб келмоқда. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 6 июлда** қабул қилинган *“2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-165-сон Фармони*⁶да яққол намоён бўлади. Шунингдек, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг *“Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш”*га оид устувор йўналишининг **8-мақсадида**: “Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш; ҳуқуқ тизимининг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиётнинг янги драйверларини ҳаракатга келтириш доирасида замонавий технологияларга ва рақамли фаолиятга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш; соҳаларда “тартибга солиш юки”ни камайитириш доирасида қонунчилик ҳужжатларини қисқартириш; давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш” каби устувор вазифалар белгиланган.

Фойдаланилган адаби ётлар:

1. Иминова Н. Ўзбекистонда рақамлаштириш жараёнларининг ривожланиши / “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil. B.175.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари,

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-165-сон Фармони, 2022 йил 6 июль / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., [06/22/60/0082-сон](#)

эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги пф-5005 Фармони. 2022 йил 10 апрель. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996-сонли қарори / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 07/21/4996/0127-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-165-сон Фармони, 2022 йил 6 июль / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон